

МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРЛАРИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Неъматжоджаева Санобар Исматуллаевна

Ж.Ташенов университети магистранти (Қозоғистон)

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеърларининг лингвокултурологик хусусиятлари таҳлил қилинади. Шоир ижодида ўзбек халқининг миллий қадриятлари, урф-одатлари, анʼаналари ва менталитетини ифодаловчи тил бирликларининг бадиий талқини ёритилади. “Қирқ кокил”, “бешик”, “беланчак”, “чимилдиқ”, “гўшанга” каби миллий-маданий бирликларнинг лингвокултурологик мазмуни очиб берилиб, уларнинг халқона руҳ ва миллий ўзликни акс эттиришдаги ўрни илмий асосда баҳоланади.

Калит соʻзлар: Муҳаммад Юсуф, лингвокултурология, миллий қадриятлар, миллий-маданий бирликлар, ўзбек менталитети, урф-одатлар, анʼаналар, халқона услуб, поетик тил, бадиий матн, миллий ўзлик, лингвомаданий таҳлил.

Кўп асрлик тарихга эга бўлган халқимизнинг бой маънавий ахлокий, маданий қадриятларини асраб-авайлаш, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, атрофимизда кечаётган ҳар қандай воқеликка нисбатан фаол муносабатда бўлиш собиқ шўро тузуми даврида йўқотишга уринилган қадрият, анъана ва миллий урф-одатларимизни халқимизга қайтариш ҳамда жамият ва халқ манфаатларига тааллуқли қандай эзгу ҳаракатлар борки, ҳамма-ҳаммаси ижодкорларимиз нигоҳида бўлди.(1) Ҳар қандай жамиятда ва ҳар қандай замонда ҳам шеъриятнинг вазифаси – халқ руҳи, қалби, орзулари, дарду ҳақиқатларини, оддий турмуш-тарзигача акс эттириш, жамиятнинг ижтимоий-руҳий, маънавий муаммоларига малҳам бўлиш ҳисобланади.

Ҳар бир шоирнинг ва ижодкорнинг ўзига хос йўналиши ва у қайси миллат фарзанди бўлишидан қатъий назар, ўша миллат менталитетини, урф-одатларини англатиб турувчи сўзлар, иборалар ва бирликлар қўлланилади. Мана шундай вазифаларни

уддалай олган, ҳақиқат ва диёнат йўлидан борган, сўз ва қоғозга хиёнат қилмайдиган ижодкорларни халқ ҳам ҳамиша бошида кўтарган. Мана шундай халқ бошига кўтарган, туйғу ва кечинмалари соф, самимий ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфдир. Халқона, содда ва равон сўзли шеърлари билан ўқувчилар қалбидан жой олган Муҳаммад Юсуф ижодиёти ўзбек халқини, унинг урф-одатларини яққол акс эттира олган. Унинг шеърларида ўзбек халқигагина хос тил бирликлари жуда кўп қўлланилган. Шоирнинг ҳар бир сатрида ўзбек халқининг оддий турмуш тарзи акс эттириб турганини кўрамиз. Биргина унинг "Қизилгул" шеърида қўлланилган жумлаларга назар солайлик:

*Ёнимда солланар қирқ тилло кокил,
Тўлғонар, товланар қирқ тилло кокил.
Жонимдан айланар қирқ тилло кокил,
Сенга нима керак яна, эй кўнгил.*

Шоир ушбу шеърининг ҳар сатри охирида *қирқ тилло кокил* жумласи ишлатилган бўлиб, биламизки, қирқ кокил жумласи фақат ўзбек халқига хос бўлиб, ўзбек қизлари, одатда, сочларини қирқта қилиб, майдалаб ўриб юриши миллий одатимиздир. Шоир қирқ кокил жумласини ишлатиб, миллий одатларимизни намоён этиб бера олган. Юқоридаги шеърнинг давомига эътибор берайлик:

*Бешикни титратиб чинқирар оҳим,
Юзлари оппогим, кўзи мунчоғим.
Бу ёруғ дунёда ўчмас чироғим,
Сенга нима керак яна, эй, кўнгил...*

Шеърда қўлланилган *бешик* сўзи, маълумки, шарқ халқларига хос сўз бўлиб, туғилган чақалоқни белаш, ухлатиш учун ясатиладиган мослама бўлиб, бу нарсa ғарб мамлакатлари учун ёт ҳисобланади. Шунингдек, ушбу тўрт мисра орқали халқимизнинг болажонлигини, фарзанднинг ҳар нарсадан устунлигини очиб бера олган.

Шоирнинг "Қалдирғоч" шеъридаги ушбу парчага назар солайлик:

*Гуссанг менинг гуссамдир,
Айвонимда яшайсан.
Қараб турсам, сен ҳам бир
Дардли қушга ўхшайсан.
Кўнглингда не саволинг,
Нега айтмай йиғлайсан?..*

Ушбу мисраларда муаллиф қалдирғоч билан дардлашганини кўрсатиб бериш орқали ўзбек халқининг яна бир хусусиятини кўрсатиб берган: ўзбек халқида шундай одат борки, агар хонадонига қалдирғоч ин курса, буни хосиятли деб, қушнинг инини бузишмаган. Токи қалдирғоч бола очиб, учирма бўлиб кетмагунча, яъни ўзи тарк этмагунча уйнинг энг кўримли жойига ин курсаям унга тегмаган. Шунингдек, бу хислат орқали ўзбек халқининг бағрикенглиги ва меҳрибонлиги ҳам намоён этилган.

Шоирнинг "Хирмондаги бола" номли шеъридаги ушбу парчани таҳлил қилайлик:

*Бундай қарамагин, чақалоқ.
Мен ҳалол одамман ҳар ҳолда.
Чайқаларди ҳар йил кузда менинг ҳам
Беланчагим шу букри толда.
Ёрилган қўлларга термулиб юриб,
Шу ялпиз далада мен ҳам бўй етдим.
Кейин шеър йўқлади тушимга кириб,
Кейин ўзим йўқлаб Тошкентга кетдим.*

Муаллиф ушбу шеърида оддий сўзлар орқали эски тузум давридаги аянчли ҳолатни ифодалаб берган. Яъни собиқ тузум даврида юртимизнинг пахта хом ашёсини етказиб берувчи давлат бўлганлиги ва бунинг натижасида ҳаттоки болали аёлларнинг болаларини дала бошига олиб бориб беланчак қилиб ётқизиб пахта терганлари тасвирланган. *Чайқаларди ҳар йил кузда менинг ҳам* сатрлари орқали айни куз фаслида пахта йиғим-терими бошланишига ишора қилинган. *Ёрилган қўлларга термулиб юриб,*

Шу ялғиз далада мен ҳам бўй етдим мисралари орқали оналарнинг қўллари қавариб пахта терганлари тасвирланган.

Шунингдек, шоир *беланчак* сўзини қўллаш орқали шеърнинг лингвокультурологик жиҳатини очиб берган. Беланчакни, биламизки, икки дарахт ёки устунга арқон боғлаб чақалоқни ётқизиб тебратиш учун ясалади. Бу нарса қадимдан мавжуд бўлиб ўзбек аёллари шундан ҳам фойдаланишган.(2) Беланчак ҳам бизнинг миллийлигимизни кўрсатиб берувчи буюмимиздир.

Муҳаммад Юсуфнинг ”Оқ тулпор” шеърида ҳам миллийликка йўғрилган сўзларни учратишимиз мумкин:

*От олдидан бошланди
Чимилдиққа йўлакча.
Кечир, ёрим, на қилай,
Отга меҳрим бўлакча...*

*Қолдим икки ўт аро,
Гўшангада –дилдорим.
Келин келган кечадан
Аразлади тулпорим.*

Шеърдаги *чимилдиқ*, *гўшанга* сўзлари миллий-маданий хусусиятларимизни ифодалаб берувчи сўзлар бўлиб, бошқа тилларга таржима қилинганда алоҳида билимни талаб қилади, яъни ғарб мамлакатларида бундай сўзлар учрамаслиги, бунинг учун эса ўзбек халқининг миллий урф-одатлари ва анъаналаридан бохабар бўлишни талаб этади.(3) Шунингдек, шеърда ўзбек йигитларининг отга бўлган ишқибозликларини чиройли қилиб кўрсатиб берган.

Шоирнинг ана шу каби шеърларидаги содда самимий сатрлар халқ тилининг кундалик турмуш тарзини намоён этиб бера олган. У ўз асарларида миллий рух, халқона фалсафа, бой ва бетакрор тилимиз жиолари балқиб туради. Шоир асарларида ўзбек халқининг энг олийжаноб ва юксак инсоний фазилатлари билан бирга ёшлик сурури, ишқ ва муҳаббатнинг нафис наволари, ўзбекона содда ва айни пайтда бетакрор ҳис-туйғу ва кечинмалар

юксак поэтик ифодаланган. Сўзнинг бадий имкониятларидан мохирлик билан фойдаланиш, муסיкий равонлик, туйғулар тиниқлиги, руҳият манзараларини гўзал тарзда ифодалаб бериш шоир шеъриятининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Пардаев З. Муҳаммад Юсуф ижодида ватан мавзуси//Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари . 3-китоб. – Тошкент, 2014. Б.49.
2. Маслова В.А. Введение в лингвокультурологию. – М.:Наследие, 1992.
3. M. Rahmatov. Alisher Navoiyning lirik asarlarida takrirlarning sintaktik-semantik xususiyatlari - Uzbekistan: Language and Culture, 2022
4. Муҳаммад Юсуф. Биз бахтли бўламиз. Тошкент, 2008.
5. Islom o‘g, A. M. R. (2026, June). Ekolingvistika zamonaviy tilshunoslikning yangi yo‘nalishi sifatida. In International Conferences (Vol. 1, No. 1, pp. 58-62).
6. Saparniyazova, M. (2025). O‘zbek ismlari imlosi va izohidagi ayrim munozarali masalalar. *Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiyalar*, 1(6), 86-92.
7. Hudoyberganova, D., Saparniyazova, M., Sabirova, M., & Boltabayev, S. (2025). Geleneksel özbek hareketli oyunlarına kültürdilbilimsel bakış. *Karabük Türkoloji Dergisi*, 6(12), 1-14.
8. Mirzaevich, G. I. (2026). Ethnic Stereotypes in the Phraseologisms of the Uzbek, Kazakh and Karakalpak Languages. *Asian Journal of Arts and Culture*, 26(1), e23-e23.
9. Ismailov, G. M. (2017). Linguocultural Study of Gender Stereotypes in Turkic Phraseology (on the Material of Uzbek, Kazakh and Karakalpak Languages). *Polylinguality and transcultural practices*, 14(1), 85-92.
10. Ismailov, G. M. (2016). Phraseological Picture Of The World In The Turkic Languages. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 11(43), 5-7.

11. Jurayeva, N. G. (2022). O‘zbek adabiyotshunosligida bayt poetikasi tushunchasining tutgan o‘rni va tipalogik asoslari. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(11), 729-733.

12. Xujaev, M. I. (2020). EPRA International Journal of Research and Development (IJRD) Volume: 5| Issue: 8| August 2020-Peer Reviewed Journal.

13. Xujaev, M. I. (2015). Некоторые особенности этических взглядов Ахмет-Закі Validova. *Credo new*, (2-2), 3.